

11-11-2019

## EDUCATION IS THE FOUNDATION OF DEVELOPMENT: SOCIAL AND PHILOSOPHICAL INTERPRETATION.

Shukurjon Kurbonovich Amirhozhaev

*Andijan State University "National idea; Senior teacher of the department" The basis of spirituality law*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Amirhozhaev, Shukurjon Kurbonovich (2019) "EDUCATION IS THE FOUNDATION OF DEVELOPMENT: SOCIAL AND PHILOSOPHICAL INTERPRETATION.," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 11 , Article 21.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss11/21>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## EDUCATION IS THE FOUNDATION OF DEVELOPMENT: SOCIAL AND PHILOSOPHICAL INTERPRETATION.

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2019 йил 11 сон**

## **ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ: ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН**

Амирхўжаев Шукуржон Курбонович

Андижон Давлат Университети “Миллий ғоя; маънавият асослари ҳуқуқ таълим”  
кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Таълим жамиятнинг ҳар бир соҳасини тизимли тарзда амал қилиши ва ривожланиш динамикасини таъминлаш учун амал қилиб, янги технологияларни яратиш ва жорий этиш, такомиллаштириш, уларни диагностикасини амалга ошириш, прогноз қилиш, соҳага қаратилган таҳдид ва хавф хатарларни ўз вақтида аниқлаш, уларни зарарлантиришнинг усул ва воситаларидан фойдаланиш тартибини аниқлаб беради. Ушбу мақолада жамиятнинг маънавий ҳаётини шакллантиришда таълим-тарбия масаласининг ижтимоий детерминациялашувига оид маълумотлар берилган бўлиб, мақоладаги маълумотлар ижтимоий-фалсафий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиб ўтилган.

**Калит сўз:** таълим-тарбия, қадриятлар, ахборот технологияси, касбий билим, ахборот.

## **ОБРАЗОВАНИЕ И ВОСПИТАНИЕ-ФУНДАМЕНТ ПРОГРЕССА: СОЦИАЛЬНО- ФИЛОСОФСКАЯ ТРАКТОВКА.**

Амирхўжаев Шукуржон Курбонович

Старший преподаватель кафедры «Национальная идея; основы духовности правовое образование» Андижанского Государственного Университета

**Аннотация:** Образование функционирует для системной деятельности каждой сферы общества и определяет порядок создания и внедрения новых технологий, их совершенствования, осуществления их диагностики, прогнозирования, своевременного выявления угроз и опасностей, направленные против сферы.

В данной статье представлены сведения социальной детерминации вопросов образования и воспитания в формировании духовной жизни общества, приведенные сведения сапостевительно проанализированы в социально-философском отношении.

**Ключевые слова:** образование, ценности, информационные технологии, профессиональное образование, информация.

## **EDUCATION IS THE FOUNDATION OF DEVELOPMENT: SOCIAL AND PHILOSOPHICAL INTERPRETATION.**

Amirhozhaev Shukurjon Kurbonovich

Andijan State University “National idea; Senior teacher of the department”  
The basis of spirituality law

**Abstract:** in this article education is systematically applied to each area of society and providing development dynamics, creating and implementing new technologies, improving,

*diagnosing, predicting, identifying and addressing industry-specific threats and risks and how to use the tools.*

*In this context, this article provides information on the social determinations of education in the formation of the spiritual life of society, and comparative analysis of the socio-philosophical data.*

*Key words: education, values, information technology, professional knowledge, information.*

Инсон ва унинг камолотини таъминлаш теологик, фалсафий, психологик, этнографик, тиббий, ҳуқуқий, антропологик, иқтисодий, социологик таълимотларнинг асосини ташкил этади. Мазкур йўналишда тадқиқотчилар томонидан талайгина тарихий манбалар жамланган, эмпирик тадқиқотларнинг хулосалари тарзида асарлар ёзилган. Инсон камолотини таъминлаш мақсадида компаратив (қиёсий-тарихий) метод асосида уларни ўрганиб, тарбиявий фаолиятда қўллаш мумкин. Бу ўз навбатида алоҳида инсоннинг хулқ намунасида, ижтимоий гуруҳ аъзоларининг ҳамжиҳатлигида (иноқлигида, Ибн Халдуннинг таълимотида асабийа деб кўрсатилган[1.С.217-218]) ифодаланиб жамият ҳаётининг маънавий пойдевори таъминланади. Шу тариқа индивидуал маънавиятни шакллантириш ва ривожлантириш масаласи таълим-тарбиянинг олдида турган бош вазифа бўлиб қолмоқда. Бу вазифани бажариш турли даражаларда тарбиявий фаолиятни амалга оширувчилар, яъни ўқитувчиларнинг зиммасидадир.

Тарбиявий фаолиятнинг хулосавий кўринишида инсон шахсида янги сифатлар мужассамлашади. Агарда, ижтимоий ролларни бажариш давомида ҳар бир инсон тарбиявий фаолият билан шуғулланиб, бобо-буви, ота-она, ака, опа, қайнона-қайнота, устоз, қўшни ёки яқин қариндош каби мавқеъларда амал қилишини инобатга олсак. Бу жараёнга ҳар бир халқ тарихий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлиши мумкинки, уни ментал хусусият деб кўрсатиш мумкин[2.С.14-16]. Илм-фан ва техника ютуқларидан восита сифатида фойдаланиб, аниқ илмий ғояларга амал қилган ҳолатда тарбия бериш учун алоҳида тайёргарликка эга бўлган, турли компетенцияларни эгаллаган тарбиячи, мураббий ва ўқитувчилар тарбиявий фаолият билан касбий даражада шуғулланадилар. Таъкидлаш лозимки, инсонларда қайси сифатларни шакллантириш муҳимлигини, жамиятда турли шакл ва кўринишларда ифодаланган ижтимоий-маданий муаммо белгилаб беради. Аниқроғи, юзага келган муаммони сабаби ва унга таъсир кўрсатган омилларнинг мазмунини аниқланиши натижасида, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини таъминлаш учун жамият ижтимоий буюртмачи сифатида таълим-тарбия институтига қатор вазифаларни бажаришни белгилаб беради.

Тарбиявий фаолият, мураккаб тузилишга эга бўлиб, уни тизимли тарзда олиб борилгандагина қуйидагиларни шакллантиришга эришиш мумкин:

- ахлоқий меъёрларни турлари, маиший ва ижтимоий ҳаёт тарзида амал қилувчи қоидаларни ўзлаштиришга;
- дунёқарашни шакллантириб, анланган ҳаётий қадриятларни эгаллаш йўллари ўзлаштиришга;
- ижтимоий фаолликка, атроф-муҳит ва инсонни ўзига нисбатан эътиборли бўлишни ўзлаштиришга;

- меҳр кўрсатиш, ижобий ҳиссиётларни намоён этиб, салбий ҳиссиётларни яшириш тарзини эгаллашни ўзлаштиришга;
- билим олиш ва ундан фойдаланишни ўзлаштиришга;
- ахборот технологияларидан восита сифатида фойдаланишни ўзлаштиришга;
- диний, миллий, касбий, этнослараро, ижтимоий толерант[3] ва интолерант[4] бўлишни ўзлаштиришга;
- ижтимоий ва касбий мулоқотга киришишни ўзлаштиришга;
- ҳамкорликда фаолият юритишни ўзлаштиришга;
- ижтимоий ролларни эгаллашни ўзлаштиришга;
- ижтимоий, касбий масъулиятни моҳиятини ўзлаштиришга;
- функционал саводли бўлиб, мақсадни танлаш ва унга эришиш йўллари ўзлаштиришга;
- касб танлаш, касбий муҳитга мослашишни ўзлаштириш кабиларга.


Тарбиявий фаолиятнинг натижаси намунавий хулқ намунасини ўзида мужассам этган инсонни, фидоий касб соҳибини шакллантириш учун зарур ҳисобланиб, уни мазмундорлигини таъминлашда тарбиявий фаолият, таълимий фаолият билан синтезлашади. Синтезлашув натижасида жамият учун юксак мақсад ва эътиқод соҳибини, билимли ва ақлли, юксак дид ва ҳис-туйғуларини бошқараоладиган, ўзига, атрофдагилар ва турли предметларга маиший ва маданий меъёрлар даражасида муносабатда бўладиган. Бир сўз билан айтганда - индивидуал тарзда маънавий хоссаларни ўзида мужассам этган шахсларни тарбиялаш мақсади таълим ва тарбияни вазифалари жиҳатидан институтлашувини таъминлайди.

Таълим-тарбия тараққиётни таъминловчи муҳим омил ҳисобланса, жамият ҳаётини таъминлаш ва ислохотларни амалга оширишда даражаларда (соҳавийлиги, тарихийлиги каби белгилари бўйича) иштирок этса. Бу ўз навбатида таълимий-тарбиявий фаолият такомиллашув хусусиятига эканлигини кўрсатади ва унда ижтимоий институт сифатида таълим доминантлик қилади.

Таълим, жамиятнинг ҳар бир соҳасини тизим тарзида амал қилиши ва ривожланиш динамикасини таъминлаш учун амал қилиб, янги технологияларни яратиш ва жорий этиш, такомиллаштириш, уларни диагностикасини амалга ошириш, прогноз қилиш, соҳага қаратилган таҳдид, хавф ва хатарларни ўз вақтида аниқлаш, уларни зарарлантиришнинг усул ва воситаларидан фойдаланиш тартибини аниқлаб беради. Тарбия эса, уларни амалиётда қўллаш давомида қайси меъёрларий тамойилларга амал қилиш алоҳида инсон ва жамоа (гурух) аъзолари учун мақбул эканлигини таъминлайди. Агарда, таълимнинг ўтмишдаги (юз йилликдаги) муаммоси – таълимни ҳаммабоплигини (барча учун баробарлигини) таъминлашдан лозим эканлигини назарда тутсақ, бугунги кун таълимнинг муаммоси – таълим сифатини барча учун таъминлашдан (барчага сифатли таълим беришдан) иборатлигини англаш қийин эмас. Бу ўз навбатида таълим олдида навбатдаги вазифани, яъни ҳар бир таълим олувчига (индивидуал) таълим тури ва ихтиссослиги бўйича сифатли таълим бериш масаласини долзарблаштиради.

Таълимга оид бўлган ҳар қандай таълимотга суянишдан қатъий назар, таълим жараёнида ахборот, таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг фаолиятини таъминловчи кўпфункционал омил сифатида иштирок этади. Уни моҳиятини англаш учун таълим-тарбиянинг вазифадорлиги жиҳатидан алоқадорлигини тизимли тарзда кўриб чиқамиз. Тизим сифатида асосий эътибор чиқишга (натигага) қаратилган (1 – чизма) бўлиб, касбий билимга эга бўлишни таъминлаш, ҳаётий-касбий муаммоларни ҳал этиш усулини ўзлаштиришни таъминлаш, касбий кўникма ва малакага эга бўлишга эришишни таъминлаш, маиший ва ижтимоий жараёнларни юзага келиши ҳамда кечилишининг сабаб-оқибат алоқадорлигини англай олиш тажрибасини шакллантириш каби функционал таркибларга алоҳида эътибор қаратилганлигини кузатиш мумкин.

Таълим-тарбиянинг функционал тавсифи



Бу ўз навбатида таълим берувчи ва таълим олувчининг ҳамкорликда фаолият юритиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Ваҳоланки, айрим манбаларда таълим бериш услуги, таълимда янги технологияларни қўллаш, педагогик маҳоратга эга бўлиш, педагогик фаолият мониторингини амалга ошириш, таълим бериш жараёнида компьютер технологияларини қўллаш каби масалаларга урғу берилиб, таълим олувчининг шахсига таълим жараёнининг иштирокчиси сифатида ёндашилмоқда[5.С.168]. Бизнингча, педагог ўз функцияларини маромига етказиб



бажаришида таълим олувчиларнинг роли, аниқроғи уларнинг таълим муассасасига, эгаллаётган ихтиссослигига, профессор-ўқитувчиларга, ўрганилаётган мавзуга бўлган муносабати педагогик жараёни самарали кечинини таъминловчи асос ҳисобланади. Бунда уларни ўқув мотиви, таълим жараёнидан кутишлари, кадриятлари, таянч маданияти, мақсадини тўғри шаклланганлиги, маънавиятлилик даражаси каби шахсий хоссалари таълим олиш ва таълим бериш жараёнини мақсадли кечишини таъминлаш иштирок этади. Чизмадан кўриниб турибдики, таълим бериш жараёни ижтимоий тизим тарзида кечади. Бу ўринда профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ҳамкорлиги, таълимни ташкил этишга иштирок этаётганларнинг лаёқатмандлиги (компетентлиги), жамиятда таълим олишга бўлган эҳтиёжни намоён бўлиши, илмий тадқиқотлар натижасини амалиётга жорий этиш тезлиги, ишлаб чиқариш ва фан-техниканинг алоқадорлиги кабиларнинг таъсири муҳим ҳисобланишини кўрсатиб ўтиш лозим.

Унинг замирида эса, янгича тафаккур тарзи мужассамлашган бўлиб, у, инсонни ақлий фаолиятининг ўзига хос бир тарзида иқтисодий ва маданий жараёнлар, маиший ёки ижтимоий, хусусий-касбий муаммоларга доир муносабатда бўлишда илм-фан ва техника ютуқлари ҳамда шахсий тажрибага таянган ҳолда йўл тутишида ўз аксини топади. Бу ўзига хос ақлий операция ҳисобланиб, мутахассисдан идрок, тасаввур, хотира ва диққат даражаларини ривожланганлигига, уларнинг фаолиятини натижасига таянишни тақозо этади. Чунки ҳар қандай кўринишдаги муаммо (вазият, жараён) ҳақида, уни вужудга келиш сабаби ва оқибатининг алоқадорлигини белгилаб олиш учун мутахассис мантиқий занжир тарзида мушоҳада юритиши лозим бўлади. Вазифадорлиги (функционаллиги) жиҳатидан янги тафаккур тарзи ўз моҳиятига кўра турли касбий фаолиятларнинг (меҳнат турининг) самарадорлигини таъминлаш учун шарт ҳисобланади. Масалан, педагогик фаолиятда ёки тиббиёт (аниқроғи тиббий-диагностикавий) ва амалий психологик ёрдам кўрсатиш (аниқроғи ижтимоий-психологик диагностика қўйиш) фаолиятида ўзлаштирилган касбий ва махсус билимлар, жамланган ахборот ва касбий мулоқотда қўлланиладиган тушунчалар тизимидан фойдаланишда аҳамиятли ҳисобланади. Бунда таълим фалсафаси ва таълим психологияси жиҳатлари бўйича янгича тафаккур қуйидаги даражалари билан амалий мазмун касб этади:

а) белгиловчи (детерминанлаштирувчи) ва феноменологик (вазият белгиларини шарҳловчи, тавсифловчи) даражалари билан;

б) вужудга келган муаммони (вазифани) ечилишини (бартараф этишини) назарий-амалий тузулишини яратиш даражалари билан.

Таълим – тарбия тараққиёт пойдевори ҳисобланиб, ишлаб чиқариш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этилиши натижасида такомиллаштиришни тақозо этади. Такомиллаштириш механизмини эса илмий тадқиқотларнинг натижаси белгилаб беради. Бу ўз навбатида умумметодологик асосни белгилаб берувчи фалсафа, аниқроғи таълим фалсафаси доирасида бажариладиган тадқиқотларнинг натижасидан фойдаланишни талаб этади. Таълим жараёнининг иштирокчилари ва таълим жараёнини режалаштириб, уни

бошқариладиганларнинг фаолияти тизимида етакчи фаолиятни ажратиб, уларни мотивациясини таъминлаш учун таълим психологияси доирасида бажарилган тадқиқотларнинг хулосаларидан фойдаланиб педагогик чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Таълимга буюртма берадиган корхона, турли муассасалар, умуман жамият таълим институтидан нималарни кутишини, қандай соҳа мутахассисини тайёрлаб беришни аниқлаш учун таълим социологияси ҳамда таълим ҳуқуқи каби фан соҳаларининг ютуқларидан фойдаланишни талаб этади. Кўриниб турибдики, бу йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар бошқа бир ижтимоий маконда эмас, балки муаммо вужудга келган, тадқиқот натижалари жорий ҳолатни ўрганиш натижасида қўлга киритган бўлиши лозим. Шунинг учун, таълим-тарбия масаласига бағишланган илмий тадқиқотлар мавзусини белгилашда уларнинг узвийлигига, яъни бир фан соҳасида бажарилиши мўлжалланган илмий тадқиқот, иккинчи фан соҳасида бажариладиган тадқиқотни соҳавий тўлдириб, яхлит мажмуани вужудга келтириши учун хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Шу тариқа биз таълим-тарбияни ижтимоий институт сифатида миллий тараққиётни таъминлашга тўлиқ йўналтира оламиз.

#### **References:**

1. Glavnii faktor v teorii Ibn Xalduna. V kn.: Istoriya sotsialnoy misli v Islame. – Moskva: Veche, 2012. - S. 217-228.
2. Samarov R., D. Rakhmanov Social work activity in providing the life of the society (functional-structural analysis) // Theoretical & Applied Science № 07 (39) 2016. – P 14-16.
3. Etimologik jihatdan tolerant tushunchasi lotin (tolerare) tilidan olingan bo'lib, chidamli, bardoshli degan ma'nolarni anglatadi. Har bir milliy madaniyatda uni ekvivalenti mavjud bo'lib, o'zbek tilida sabr tushunchasi tolerant tushunchasiga ekvivalent hisoblanadi.
4. O'ziga ijobiy munosabatda bo'lishning shakllanganligi. Mazkur birinchi navbatda o'z his-tuyg'ulari, shaxsiy qadr-qimmat va sharfni anglaganlikda, salbiy emotsiyalar va hislarni baratarf etish ustida ishlashda o'z aksini topadi.
5. Malyanov E.A. Sotsialno-kulturnaya innovatika: metodologiya, teoriya i praktika // Dis. ... dokt. ped. nauk. – Tambov: TGU im. G.R. Derjavina, 2011. – S. 83.
6. Ivannikov A.D., Kulagin V.P., Mordvinov V.A, i dr. Poluchenie znaniy dlya formirovaniya informatsionnix obrazovatelnix resursov. - M.: FGU GNII ITT «Informika», 2008. - 440 s.
7. SHemonchuk D.S. Makromedia v obrazovanii. - M.: MIREA, 2012. – 168 s.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Асимптотическая минимаксность линейно-ядерных оценок функции распределения  
Абдушукуров, А. А, Муминов А.Л..... 3
- 2 Trajectories of quadratic operators which map  $I_2$  to itself  
Juraev I.T..... 10
- 3 Maple tizimida parabolik turdagi xususiy hosilali differensial tenglama uchun aralash masalani to'rt usulida yechish  
G.A.Nazarova, Z.O. Arziqulov..... 19
- 4 Краевая задача для уравнения четвертого порядка с сингулярным коэффициентом в прямоугольнике  
Уринов А.К, Азизов М.С..... 26

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 5 Охытропис *Rosea* о'симлигининг Efir Moylari Tarkibi  
Sulaymonov Sh, Abdullayev Sh, Qoraboyeva B..... 38
- 6 Уйғунлаштирилган ярим даврий усулда натрий карбоксиметилцеллюлоза олиш  
Сайпиев Т.С, Абдуллаев А.М..... 42

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 7 Фарғона водийсида тарқалган дўлана (*grataegus* L.) ўсимлигининг микромицетлари ва касалликлари  
Абдуразақов А.А, Юсуфжон Ғ. Ш..... 50
- 8 Анатомическое строение ассимилирующих органов *eruca sativa* mill. (сем. brassicaceae) при интродукции в Сурхандарьинской области  
Муқимов Б.Б..... 56
- 9 Энергетический потенциал гумуса сероземов  
Юлдашев Г, Хайдаров. М..... 62
- 10 Регуляция влияние 6"-п-кумароилпрунина на энергетической функции митохондрий с ионами кальция  
Мамажанов М ..... 67
- 11 Ғўзанинг *El-Salvador* ёввойи шаклида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини назорат қилувчи номзод генларни аниқлаш  
Комилов Д.Ж., Бахрутдинова Н.З., Орипова Б.Б. , Кушанов Ф.Н..... 72

**05.00.00**      **ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**  
**ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**TECHNICAL SCIENCES**

- 12 Robotni harakatini amalga oshiruvchi arduino platformasi  
Abdullayeva Sh.I..... 79
- 13 Ахборот хавфсизлигига бўладиган таҳдидлар ва уларнинг таҳлили  
Ғаниева Ш.Н, Азимжонов У.А., И.А. Қосимов..... 84

**07.00.00**      **ТАРИХ ФАНЛАРИ**  
**ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**HISTORICAL SCIENCES**

- 14 Давлат–тарихий-маданий анъаналар ташувчиси сифатида  
Жўраев А.Т..... 89

**09.00.00**      **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**  
**ФИЛОСОФИК ИЛМ НАУКИ**  
**PHILOSOPHICAL SCIENCES**

- 15 Ma'furani tahlil etishning o'ziga xosligi  
Mamatov O.V..... 95
- 16 Кечиримлилик: фалсафий-ирфоний таҳлил  
Исақова З.Р..... 99
- 17 Инсон тақдирини англашдаги диний-фалсафий қарашлар ривожини  
Мадримов Ж.Б..... 107
- 18 Сўфийлик таълимоти ривожини Азизиддин Насафий илмий меросининг ўрни  
Мамамов М.А..... 116
- 19 Жамиятимиз янги тараққиёт босқичини хотин-қизларнинг инновацион  
(тадбиркорликка йўналтирилган) фаолигини  
Ғаниев Б.С..... 122
- 20 Huquqiy munosabatlarning ma'naviy jihatlari  
Sultonov A.X ..... 129
- 21 Таълим-тарбия – тараққиёт пойдевори: ижтимоий-фалсафий талқин  
Амирхўжаев Ш.Қ..... 135

**10.00.00**      **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**  
**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**PHILOLOGICAL SCIENCES**

- 22 Ўзбек тилида антоним-синоним муносабатлар (“Ҳибатул ҳақойиқ” асари  
лексикаси мисолида)  
Сайидирахимова Н.С..... 142
- 23 Matn birliklari  
Omonov A ..... 147
- 24 Муаллиф ва таржимон ўртасидаги руҳий ўхшашликлар ва таржима сифати  
Будикова М.Х..... 151

25	Ўзбек тилидан инглиз тилига бадий таржиманинг лингвомаданий таҳлили (Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояси таржимаси мисолида) Досбаева Н.Т.....	157
26	Дейктик белгили сегмент қурилмалар прагматикаси Умурзоқова М.Э.....	163
27	“Минг бир қиёфа” романида замонавий аёл муаммоси Азизов Н.Н.....	168
28	Николас Роу ижодида “Амир Темур” тасвири Бобаханов М.Я, Турсунов А.Х.....	172
29	Ҳозирги ўзбек шеъриятида исёнкор руҳ ғоялари Тажибаева Д .....	177
30	Янги тушунчаларни ифодалаш усуллари Лазиза С.Х.....	182
31	Туркий халқлар адабиётида навоий анъаналари Рузибоев Т.....	186
32	Лисоний шахс типларини ажратиш принциплари Ниязова Д.Х.....	193
33	Источниковедческий анализ тазкире “Канз аль-куттаб” Ас-Саалиби Сулаймонова Х.М.....	196
34	Chet til ta`limda madaniyatlararo tafovut masalalari Abduqodirov U.N.....	201
35	Психо-аналитик тасвирнинг миллий колорит яратишдаги аҳамияти Мардонова Л.У.....	207
36	Метонимия асосидаги иборалар Қўчқарова О.А.....	211
37	Национально-культурная специфика английских и русских слов Джуманазарова З.....	215
38	Сухайлий шеъриятининг жанр хусиятлари Болтабоева О.Ю.....	219
39	Ижтимоий тармоқ контентни тижоратлаштириш воситаси сифатида Бекназаров К.Т.....	223

13.00.00

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**  
**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**PEDAGOGICAL SCIENCES**

40	Boshlang'ich sinf o'quvchilarida sog'lom turmush tarzini shakllantirishda sayyohlik va turizmni ahamiyti Boltaboyev N.N.....	231
41	Jismoniy tarbiya tizimida sog'lom turmush tarzini shakllantirish usullari Azizov N.N, Azizov M.M.....	236
42	Sports lesson - time requirement Mikheeva A.....	240

43	Талабаларнинг ижодий фаолиятларини шакллантириш омиллари Умаров Қ.Б, Усманова Н.Қ.....	245
44	Qizlar jamoalari bilan ishlaydigan murabbiylar faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari Azizova R.I.....	249
45	Метод shadowing в обучении языкам Жалолов Ш.....	252
46	Yosh avlodni barkamol qilib tarbiyalashda harakatli o'yinlarning ahamiyati Ismoilov T, Ismoilov G'.....	257
47	How to develop listening skills for students Nazarova Y.X.....	262
48	Мактабгача таълимда ахборот технологиясидан фойдаланишнинг назарий таҳлили Ботирова З.А.....	266
49	Ўқув жараёнида “бумеранг” методидан фойдаланишда вужудга келадиган муаммолар ва уларни олдини олиш йўллари Отамирзаев О.У, Зокирова Д.Н.....	270
50	Формирование лексических навыков в английском языке в средних школах Ботирова З.Х.....	274
51	Mavhum (abstrakt) san'atning miya faoliyati va tarbiya bilan o'zaro bog'liqligi Isafov A.A.....	279
52	Физика ўқитувчисининг таълимга Инновацион ёндашуви Бекназарова З.Ф.....	282
53	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш Қамбаров М.М.....	286
54	Характерида истерик белгилар бўлган болалар тоифалари ва уларни ўқитиш Хусанов А.А.....	293
55	Boshlang'ich ta'limda innovatsiyaning ro'li Махмудова Н.А.....	298
56	Malakali gandbolchilarning musobaqa faoliyatini o'rganish Azizov S.V.....	302
57	Таълимда ижодий ўйинлар Тажибоева Г.М.....	306
58	Мактабгача таълимда ривожланиш марказларини ташкил этиш муаммоларига доир Ўринова Ф.Ў.....	311
59	Тадбиркорлик фаолиятида умумахлоқий меъёрларнинг ўрни Эргашева Ф.И.....	316
60	Особенности преподавания математики гуманитариям Устаджалилова Х, А.....	321
61	Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш технологиялари Тилеуов Э.М.....	326

62	О'quvchi-yoshlarni faollik asosida ijtimoiy hayotga tayyorlash masalalari Abdullayeva N, Rahmonova Z.....	332
63	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	335
64	Эффективность модели управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения Юнусов Ш.Т.....	338
65	Alternative assessment as a means to develop study skills in esp classes in higher educational settings Kuchkarova Yana.....	343
66	Интеллектуальные компьютерные игры – как способ улучшения учебы детей Нажмиддинова Х.Ё.....	348
67	Кимё тарихи маълумотларидан фойдаланиш талабалар билим олишининг сифат ва самарадорлик омили Нишонов М, Холмирзаева З.....	351
68	Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларини ижодий тафаккурини ривожлантириш механизми Ахмедова Ш.....	356
69	Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш Тоштемирова С.А.....	361
70	Олий таълим муассасаларида математикадан замонавий ўқув машғулотларини ташқил этиш – таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан бири Зулфихаров И.М., Ўринов Б.О.....	367
71	Бўлажак тарбиячиларда ижодкорлик сифатларини ривожлантириш Қодирова З.....	371